

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар билан
таъминлаш бўйича

ШАРТНОМА № _____

Андижон ш.

" ____ " _____ 202__ й.

Шартнома тузиб, имзо чекувчилар, бир томондан _____
жойлашган " _____ " маъсулияти чекланган жамият номидан
_____ келгусида "Хизмат кўрсатувчи" деб номланади ва
иккинчи томондан "O`z Erae Clime Control" маъсулияти чекланган жамияти номидан низом
асосида иш юритувчи корхона Бош директори Бакиев М.А. келгусида "Буюртмачи" деб
номланади, ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар.

I. Шартнома мазмуни

1.1. "Хизмат кўрсатувчи" томонидан "Буюртмачи" нинг автомобилларига, эҳтиёт қисм ўрнатиб,
техник хизмат кўрсатилиши, барча хизмат ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, "Буюртмачи" эса
етказиб берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизмат сифатини тўла кафолатланган ҳолда қабул
қилади.

1.2. Шартноманинг умумий қиймати тахминан 45 000 000 (қирқ беш миллион) сумни ташкил
этади. (ҚҚС сиз), эҳтиёт қисмлар ҳамда хизмат нархлари фақат ушбу шартномага таълуқлидир.

1.3. "Буюртмачи" эса кўрсатилган хизматни тўла кафолатланган ҳолда қабул қилади.

II. Техник хизмат кўрсатиш ва ҳисоб китоб қилиш тартиби.

2.1. Ҳисоб - китоб "Буюртмачи" томонидан "Хизмат кўрсатувчи"нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш
йўли билан амалга оширилади. Тўлов тартиби "Хизмат кўрсатувчи" томонидан бериладиган
носозлик далолатнома суммасининг 15% олдиндан тўлов ва қолган 85% тўлов ушбу шартноманинг
2.3. бандига асосан амалга оширилади.

2.2. "Буюртмачи" ўзаро ҳисоб-китоб ўтказишда "Хизмат кўрсатувчи"томонидан берилган ҳисоб-
фактурага асосан ҳисоб китоб қилинади.

2.3. "Буюртмачи" етказиб берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизмат сифатини тўла
кафолатлаган ҳолда қабул қилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўловни амалга оширади.

III. Томонларнинг мажбуриятлари.

3.1. "Хизмат кўрсатувчи" шартноманинг 1-бўлими 1.1 бандида кўрсатилган хизмат турларини
талабга жавоб берадиган ҳолатда "Буюртмачи" га етказиб бериш кафолатини олади.

3.2. Бажарилган ишлар ва ўрнатилган эҳтиёт қисмлар учун ҳисоб-фактура ва қонунда белгиланган
бошқа ҳужжатлар тақдим қилиниши шарт.

3.3. Ҳар бир автомобил учун кўрсатилган техник хизмат ва сарфланган эҳтиёт қисмлар сифати
давлат стандарти ёки белгиланган меъёрий талабларга жавоб бериши шарт.

IV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

4.1. Шартнома шартлари томонлар айби билан бузилса айбдор томон шартнома қийматидан 0,4%
дан жарима тўлайди, жариманинг умумий суммаси шартнома қийматининг 50%дан ошиб
кетмаслиги керак.

4.2. Томонларнинг шартномада белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва хўжалик юртурувчи субъектлар фаолиятини шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун талаблари қўлланилади.

V. Форс-Мажор ҳолатлари

5.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ёнгин, сув тошқини ва шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбуриятлар бажарилмагани учун томонлар жавобгарликдан озод қилинади.

5.2. Юқоридаги ҳолат юзасидан дарҳол хабарнома юбоилиши мажбурийдир.

VI. Шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва амал қилиш муддати

6.1. Шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида тарафлар ўртасида низолар келиб чиққан тақдирда бу низолар юзасидан томонлар келишувга эришмасалар иқтисодий суд орқали ҳал этилади.

6.2. Эҳтиёт қисмлар нархида ўзгариш бўлганда томонлар ўртасида қўшимча шартнома орқали қайта имзоланади.

6.3. Шартнома шартларига мувофиқ томонларнинг ўзаро келишуви билан шартнома бекор қилинади.

6.4. Шартнома икки нусxada тузилади, ҳар икки нусхаси ҳуқуқий жихатдан тенг кучга эга бўлиб, томонлар имзоланган кундан қонуний кучга киради. Шартнома муддати _____ йил

_____ гача амал қилади.

Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

“O‘z ERAE Climate Control” МЧЖ ҚҚ
Андижон шаҳар Бобуршоҳ кўча 73 уй
Асака банк Андижон вилояти бўлими
X/P 20214000904871270001
МФО :00069 СТИР 301724524

Раҳбар: _____

Бош директор: _____ Бакиев М.А.